

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 3367.7

САЙДУЛЛАЕВ ШЕРЁРЖОН НЕМАТИЛЛОЕВИЧ

Тижорат банкларида хизмат курсатиш ва сервисни ривожлашда банк
кредитни ахамияги

(ТИФ “Миллийбанк” Самарқанд минтақавий филиали мисолида)

5A230701-Банк иши (пул муомиласи ва кредит)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.д. **Мирзаев Ф.**

САМАРҚАНД 2015

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк иши (пул муомаласи ва кредит)” мутахассислиги магистранти Сайдуллаев Шерёржон
“Тижорат банкларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлашда банк кредитни аҳамияти ”

мавзусидаги магистрлик диссертациясига

Т А Қ Р И З

Мамлакатимиз иқтисодиётини мустахкамлаш ва янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг урни тобора ортиб бормоқда. Бугунги тараккиёт, халқимизнинг турмуш даражасининг юксалиб бораётгани янги хизмат турларига эҳтиёж тугдирмоқда.

Аҳолисига хизмат кўрсатишда кўп жihatдан аҳолини истеъмол даражасини аниқлаш, ҳамда уларни ривожлантириш имкониятларини баҳолаш, эҳтиёжларини қондиришнинг шакл ва усулларини белгилаш истиқболларини ишлаб чиқиш учун банклар хизматлари сифати масаласига ёндашиш керак.

Аҳолига хизмат кўрсатишни ривожланишини баҳолашда аҳолининг истеъмол харажатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки аҳоли истеъмол харажатлари ҳолатининг таҳлили аҳоли истеъмол харажатларини истиқболли баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларнинг ҳал қилиниши лозимлигини кўрсатади.

Республикамизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга оширилиб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислom Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим уствор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида ”Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳани ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатамоқда”¹- деб такидлаб ўтганларидек, Миллий хўжалик ва жаҳон иқтисодиётида юритимиз ва чет эл мутахассисларининг баҳолашлари бўйича хизмат кўрсатиш ва сервиснинг келажакда жадал суръатларда ўсишининг кузатилиши магистрлик диссертацияси мавзусининг илмий тадқиқот ишларини давом эттириш ҳамда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурати мавзунинг долзарблигини аниқлаб берди .

1.И.Каримов “2015 йили иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга очиб бериш-уствор вазифамиздир”. Тошкент 2015 йил январь

Магистрант диссертацияда мамлакатни модернизациялаш, иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, рақобатбардош хўжалик алоқаларини қарор топтириш шароитида аҳоли фаровонлиги ошириш, турмуш шароитини юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал сектори тармоқлари фаолиятини барқарор ва самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш соҳаларининг шакланганлиги, такомиллашганлиги билан узвий боғлиқликни ҳамда илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишига асос бўлган. Шунингдек, магистрант диссертацияда республикада тижорат банклари томонидан кишлоқ жойларда хизмат курсатиш ва сервисни кредитлашни амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг тенденцияларини аниқлаш, тижорат банклари томонидан кредитлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар моҳиятини очиб беришга илмий таклифларни ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга, шу асосда хулосалар чиқаришга эришишни таъминлаган.

Айтиш жоизки, диссертациянинг хулоса қисмида келтирилган тавсиялар ва таклифлар диссертация ишининг кириш қисмида кўрсатиб ўтилган мақсад ва вазифалар, илмий янгиликларни ва уларни амалиётда қўллаш мумкинлигини эътироф этувчи масалаларни ўзида тўлиқ акс эттирган.

Умуман олганда диссертация иши мустақил бажарилган, илмий-амалий ва мантиқий жиҳатдан ниҳоясига етказилган. Илмий тадқиқот ишига юзасидан билдирилган айрим таклиф ва мулоҳазаларимиз Сайдуллаев Шерёржон томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишининг мазмуни, ўрганилган масалаларни ёритилиш даражаси, шунингдек, ишга бериладиган ижобий баҳога катта таъсир этмаган.

Магистрант Сайдуллаев Шерёржон томонидан “Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредитнинг аҳамияти” мавзусидаги магистрлик диссертация иши мустақил бажарилган ва мантиқий яқунга етказилган, назарий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқот иши бўлиб ҳисобланади.

Шу боис магистрант Сайдуллаев Шерёржон томонидан бажарилган магистрлик диссертация иши қўйилган талабларга жавоб беради деган хулоса қиламиз ҳамда мазкур магистрлик диссертация ишини ДАК олдида ҳимоя қилинишини ва ДАК томонидан Сайдуллаев Шерёржонга магистр илмий даражасини берилишини қўллаб қувватлаймиз.

АТ «Узсаноатқурилишбанк»
Самарканд МФ бўлим бошлиғи



и.ф.н. А. Ў.Тухтамишов

Аннотация

Сўнги йиллар давомида мамлакатимизнинг банк сектори халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан тезкор ривожланиш суръатларини намоён қилди. Хизмат курсатиш ва сервис соҳаси одамлар хайотини яхшилашга қаратилганлиги туфайли унинг тармоқлари кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини модернизациялаш асосида ривожлантиришнинг молиявий базасини шакллантириш, шунингдек, кредит тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилмоқда. Хизмат ва сервисни ривожлантиришда кредит алоҳида ўрин эгаллайди. Шунини таъкидлаш керакки сўнги йилларда хизмат курсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш буйича изчил чоралар қўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истикболли турлари – туризм Банк – молия сугурта ахборот коммуникация ва бошқаларни ривожлантиришда кредит муҳим рол уйнаш билан бир қаторда қайта тақсимлаш муомила жарайонини тезлаштириш пулларни муомилага чиқариш ҳамда пул капиталини жамғариш ва марказлашувини жадаллаштириш функциясини ҳам бажаради.

Annotation

During recent years the country's banking sector showed the fastest growth rates in comparison with other sectors of the national economy. Because of the service and the service sector are intended to improve the lives of people in its branches kengaymokda. Modernization and development of the financial infrastructure of the economy of the Republic of Uzbekistan, as well as the implementation of the credit system aimed at improving the oshirilmokda. Xizmat and credit plays an important role in the development of the service. It should be noted that the development of the service and the service sector in recent years gradually built. Services measures on the market promising new types of services in the -turizm Bank Financial credit insurance in the development of information and communication, and others play an important steering wheel, along with the re-distribution of money circulation and production, as well as to accelerate the process of Plaintiff jamgarish capital and money will accelerate the centralization function.

Тижорат банкларида хизмат курсатиш ва сервисни ривожлашда банк
кредитни ахамияги

(ТИФ “Миллийбанк” Самарқанд минтақавий филиали мисолида)

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1.Боб. Тижорат банкларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредит беришнинг назарий асослари	
1.1. Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришнинг назарий асослари (анжуман материаллари).....	7
1.2. Банк хизматларини ривожлантиришнинг ахамиятли жихатлари.....	12
1.3.Тижорат банклари томонидан кредит бериш ва уни шакиллантириш хусусиятлари	17
2. Боб. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш масалалари	
2.1.Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолияти.....	23
2.2. ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва филиалларида кредит портфелини шакллантириш мезонлари.....	31
3.Боб. Ўз ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят филиалида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кредитлашни ривожлантириш	
3.1. Ўз ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят филиалида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни кредитлашдаги айрим муаммолар.....	36
3.2. ТИФ МБ Самарқанд вилоят филиалида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни кредитлашдаги айрим муаммоларни бартараф этиш чоралари.....	40
Хулоса.....	48
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	52
Иловалар.....	55

Кириш

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жамиятнинг ривожланишида кенг қўлланиб келаётган соҳа ҳисобланади, бозор иқтисодиёти шароитида демократик давлат қуриш билан инфраструктурани ривожланишининг мақсад ва вазифалари намоён бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг мухим уствор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида ”Барчамишга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг мухим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳани ялпи ички маҳсулотни шакиллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатамоқда”¹- деб такидлаб ўтганларидек, Миллий хўжалик ва жаҳон иқтисодиётида юритимиз ва чет эл мутахассисларининг баҳолашлари бўйича хизмат кўрсатиш ва сервиснинг келажакда жадал суръатларда ўсишининг кузатилиши магистрлик диссертацияси мавзусининг илмий тадқиқот ишларини давом эттириш ҳамда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурати **мавзунинг долзарблигини** аниқлаб берди .

Магистрлик диссертациясида ТИФ Миллийбанк ва ушбу банкнинг Самарқанд вилоят бўлимида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда банк кредитларидан фойдаланувчи банк мижозлари фаолияти **тадқиқот объекти** қилиб олинган. Тадқиқот ишининг **предмети** тижорат банкларнинг хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредитлардан фойдаланиш

1.И.Каримов “2015 йили иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга олиб бериш-уствор вазифамиздир”. Тошкент 2015 йил январь

орқали сохани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2014 йилда 53,5 фоизга ўсди. Ахборот-коммуникация, банк, суғурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасини 2011 йилга нисбатан 2016 йилгача 2,1 баробар ва улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилгани ва уни амалга ошириш тадқиқотнинг **мақсади ва вазифаларини** белгилайди

Мамлакатимизнинг кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма тизими субъектлари фаолияти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларига нисбатан жаҳон андозалари талаблари асосида анча ривожланиб бориб жамият иқтисодиётини кредитлашдаги роли ортиб бораётган бўлсада, мамлакатимизнинг кредит муносабатларига хизмат қилувчи айрим инфратузилма тизими субъектлари фаолиятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кредитлаш қўлламанинг пастлиги, кредитлаш жараёнларида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш магистрлик диссертацияси ишининг **илмий янгилиги** бўлиб ҳисобланади

Мамлакатимизда инфратузилма тизимининг молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи тизими ва улар фаолиятининг асосий хизматларидан бири бўлган кредит муносабатлари самарадорлигини таъминлашга дори масалаларни ўрганиш, яъни кредит муносабатлари самарадорлигини таъминлаш юзасидан даврий равишда таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили); Тижорат банклар томонидан мижозларни кредитлаш, Замонавий банк фаолиятида мижозларни кредитлаш шунингдек, банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари П.Роуз, О.И.Лаврушин, А.Люкшинов, И.О.Спицин, Я.О.Спицин, Д.М.Гвишиани, А.Алавердовлар ва бошқа хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонлик олимлардан Ш.З.Абдуллаева, Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқулов, Т.Маликов, Н.Х.Жумаев, А.В.Вахабов, Д.Н.Раҳимова, Қ.Х.Абдурахмонов, Н.Қ.Йўлдошев, Н.Ғ.Каримов, Ф.И.Мирзаев, Р.Р.Тожиев, Б.К.Мирзамайтинов, Т.Қоралиев, Б.З.Мустафаев, М.М.Абдурахмановаларнинг илмий тадқиқотларида тижорат банкларни кредитлашнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи, илмий тадқиқотни олиб боришда илгор тажрибалар, яхши кўрсаткичларга эришаётган мижозлар маълумотларини ўрганиш ва тадбиқ этиш, таҳлил ва кузатиш, умумлаштириш, грухлаш, солиштириш, таққослаш ҳамда тизимли ёндашув усулларидадан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг **назарий ва амалий** аҳамияти, тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредитнинг аҳамиятидаги назарий қарашлар умумлаштирилган ҳолда тадқиқот натижаларни сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси тизими субъектлари фаолиятини ривожлантиришда кредитнинг роли ва унинг самарадорлигини таъминлашга дори амалий таклифлар бериш.

Диссертация иши тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация таркибий тузилиши: Кириш, учта боб, саккизта 8 параграф, шунингдек, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати , иловалар, 6та жабвал ва 4та расмлардан иборат.

1.Боб. Тижорат банкларида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришда кредит беришнинг назарий асослари

1.1. Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришнинг назарий асослари

Хизмат дейилганда, инсоннинг, хужалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини кондирिशга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.

“Хизмат кўрсатиш” тушунчасининг мазмуни бўйича ҳам ҳали кўпгина назарий масалалар ўз ечимини кутмоқда. Буни инобатга олиб, тадқиқотлар натижасида унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Хизмат кўрсатиш** дейилганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, худуднинг, давлатнинг ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини кондирिशга қаратилган кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан наф келтирадиган онгли фаолиятининг хизматларни кўрсатишга йўналтирилган қисми тушунилади [1]

Шуни таъкидлаш жоизки, изоҳли лугатларда сервис ва хизмат кўрсатиш бир хил тушунчалар ва синонимлар сифатида қаралади. Аммо улар бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, сервис тушунчасининг мазмуни қарайдиган бўлсак, ушбу сўзининг маъносини ҳар ким ҳар хил талқин қилмоқда. Рус тилидаги хорижий тиллар лугатида “Сервис” инглизча service сўзидан олинган бўлиб, аҳолига майиший хизмат кўрсатиш”ни англатади, деб кўрсатилган [1]. Русча-ўзбекча лугатда [2] “сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)”, деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир. Аммо Президентимиз қарорлари ва нутқларида кўпинча “хизмат кўрсатиш ва сервис”, деб қўлланилади. Бу бежиз эмас, албатта. Шу жиҳатдан, “Сервис” тушунчасининг таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Сервис дейилганда, жисмоний ва юридик шахсларга, меҳнат

жамоасига, хуудга, давлатга ва жамиятга наф келтирадиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади. Албатта бизнинг таърифларимиз мутлақ мукамалликка даво қилмайди. Аммо мунозара учун предмет сифатида ўз фикрларимиз билан ўртоқлашмоқдамиз.[1]

“Хизмат кўрсатиш соҳаси” тушунчасининг мазмуни бўйича ҳам ҳамон турли қарашлар мавжуд. Буни инобатга олиб, мазкур масала бўйича ҳам ўз фикримизни келтиришни лозим, деб топдик.

Хизмат кўрсатиш соҳаси дейилганда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари тушунилади. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг табиати ҳам назарий жиҳатдан очилмаган кўрик. Буни инобатга олиб, унинг асосий йўналишларини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Хизмат кўрсатишнинг табиати** дейилганда, унга кимнинг манфаати нуктаи назардан қаралиши тушунилади.

1. Хизмат кўрсатишга меҳнат жараёни нуктаи назаридан.
2. Хизмат кўрсатаётган шахс меҳнати нуктаи назаридан.
3. Хизмат кўрсатишга мулкдор нуктаи назаридан.
4. Хизмат кўрсатишга давлат нуктаи назаридан.
5. Хизмат кўрсатишга меҳнат жамоаси нуктаи назаридан.
6. Хизмат кўрсатишга жамият нуктаи назаридан.

Ҳал қилиниши лозим бўлган мазкур муаммонинг иккинчи йўналиши хизматларнинг таркиби ва таснифи билан боғлиқдир. Бу бўйича нафақат олимлар ўртасида, балки йирик халқаро ташкилотлар ўртасида ҳам турли қарашлар мавжуд. Жумладан, БМТ хизматларнинг 160 турини тан олади ва

уларни 12 гуруҳга бўлади [3]:

1. Ишчанлик хизмати	46 турда
2. Алоқа хизмати	25 турда
3. Инжиниринг ва қурилиш хизмати	5 турда
4. Дистрибьюторлик хизмати	5 турда
5. Умумтаълим хизматлари	5 турда
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати	4 турда
7. Молиявий хизматлар (шу жумладан суғурта хизматлари)	17 турда
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	4 турда
9. Туризм ва сайёҳлик	4 турда
10. Дам олдириш, маданий ва спорт билан боғлиқ хизматлар	5 турда
11. Транспорт хизматлари	33 турда
12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший)	7 турда.

Хизматларнинг таркиби ва таснифи бўйича Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) таъкидлашича сотиладиган савдо хизматларига қуйидаги ўн битта гуруҳ хизматлари киритилган [4]:

- транспорт хизмати;
- борб келиш (хизмат сафари, туризм, саёҳат кабилар);
- алоқа;
- қурилиш хизмати;
- суғурта хизмати;
- молиявий хизматлар;
- компьютер ва ахборот хизмати;
- роялти ва лицензия тўловлари;
- бошқа бизнес хизматлари;

- шахсий, маданий ва рекреацион хизматлар;
- ҳукумат хизматлари.

Хизматларнинг таркиби ва таснифи бўйича юқоридаги фикрларни асос қилиб ва бошқа бир қанча олимларнинг фикрларини ўрганиб, ўзимизнинг таклифимизни шакллантирдик. Бизнинг фикримизча хизматларнинг турлари қуйидаги йўналишларда таснифланиши мақсадга мувофиқ:

- инсоннинг (шахснинг) камолоти билан боғлиқ хизматлар;
- оиланинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- меҳнат жамоаларининг такомиллашуви билан боғлиқ хизматлар;
- ҳудуднинг тарққиёти билан боғлиқ хизматлар;
- давлатнинг равнақи билан боғлиқ хизматлар;
- жамиятнинг тараққиёти билан боғлиқ хизматлар.

Тўртинчи вазифа хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Бу йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари, фармон ва қарорларида белгилаб берилган. Буларга биринчи навбатда ушбу соҳа билан боғлиқ фармон ва қарорларни инобатга олишимиз лозим:

1, 2006 йил 17 апрел куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини [5].

2, 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [6].

3, 2012 йил 10 майда имзоланган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ - 1754-сонли қарори [7] кабиларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорлари ва вутқлари асосида хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш мумкин.

Бешинчи ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилишдан иборат эди. Бу масалада ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, фармонлари ва қарорларини асос қилиб олиш лозим. Ҳозирги пайтда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича устувор вазифалар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим, деб ўйлаймиз:

1. Хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш.
2. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш.
3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳоли сонини муттасил кўпайтириб бориш.
4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш. Қишлоқ аҳолисига коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш.
5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган хизмат турларини излаб топи ва уларни тиклаш.
6. Хизматларининг янги истиқболли турларини, хусусан, ахборот-коммуникация, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш.
7. Мамлакатимизнинг хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу

соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни янада такомиллаштириш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

9. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ва шаҳарларда юқори технологик хизматларнинг кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида тегишли чораларни кўриш.

Кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилиш бўйича турли ёндошувлар мавжуд. Шу туфайли мазкур соҳанинг назарий масалларига катта аҳамият берилиши тақозо қилади.

1.2. Банк хизматларини ривожлантиришнинг аҳамиятли жihatлари

Банклар иқтисодиёт ва жамият учун ниҳоятда зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, банк ўзи нималигини аниқлашга эҳтиёж мавжуд. Албатта, банкларни улар иқтисодиётда бажарадиган функциялари орқали идентификация қилиш мумкин. Аммо банклар ва уларнинг асосий рақобатчилари функцияларининг домий равишда ўзгариб туриши бу соҳада маълум қийинчиликларни тўғдиради. Ҳақиқатда, кўпчилик молиявий

1. Словарь иностранных слов. – 16-е из., испр. – М.: Рус. яз., 1988.-461 бет.
2. Русча-ўзбекча луғат. II-том. Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984.- 410 бет.
3. Арупов А.А. Казахстан в системе мировых торговых рынков. Алматы: Университет «Туран», 2000. с. 63.
4. Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265,
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган “2012-2016 йилларда

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури туғрисида”ги ПҚ - 1754-сонли қарори.

институтлар (жумладан, суғурта компаниялари, брокерлик идоралари ва бошқалар) кўрсатилаётган хизматлар бўйича банкларга яқинлашишга ҳаракат қилишади. Ўз навбатида банклар нобанк муассасалар билан олиб борилаётган кескин рақобат кураши оқибатида, қимматли қоғозлар билан операсияларда брокерлик хизматларини, суғурта хизматларини ва х.к. ларни таклиф қилиша бошлашган.

Фикримизча, банк томонидан миждозларга таклиф қилинаётган хизматлар призмаси орқали банк тушунчасига ойдинлик киритилиши керак. Банк – кенг кўламли молиявий (биринчи навбатда кредитлар, омонатлар ва тўловларга оид бўлган) хизматларни кўрсатувчи молиявий институтдир ва у иқтисодиётнинг исталган тармоғига нисбатан турли хилдаги молиявий функцияларни бажаради. Банк хизматлари ва функцияларининг хилма – хиллиги банкларни «молиявий универмаглар» деб аталишига олиб келди ҳамда «Сизнинг банкингиз – Сизга керакли бўлган барча хизматларни кўрсатувчи молия муассасасидир» деган шиор пайдо бўлди.

Умуман олганда, мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари ўз ишларида банк хизматларини банк операсияларининг бир тури сифатида кўриб чиқишган. Хорижий олимларнинг аксарият қисми эса, банк операсиялари банк хизматларининг бир тури деб таъкидлашади. *Муаллифларларнинг фикрича, банк хизматлари ва банк операсияларининг иқтисодий ва назарий моҳияти бир хилдир, чунки банк хизмати – миждознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришга ва банк томонидан улар учун ҳақ олишга йўналтирилган банк операсиялари ва битимларидир.* 1

Банк хизматларининг турлари. Банк хизматларининг турлари ҳақида гапиришдан аввал банк хизматларининг ўзи нима, уларнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини тушуниб олишимиз мақсадга мувофиқдир.

Банк хизматлари бир қатор фақат ўзига хос бўлган хусусиятларга эга:

- Мавҳумлик;
- Ҳизматнинг манбасидан ажратилмаслиги;
- Ҳизматлар сифатининг нобарқарорлиги (бир хилда эмаслиги);
- Банк хизматлари нархининг сақланмаслиги;
- Банкларда хизмат кўрсатишнинг шартномали характери;
- Банк хизматларининг пулда амалга оширилиши;
- Ҳизмат кўрсатишнинг вақт бўйича давомийлиги.
- Банк хизматлари билан қондириладиган эҳтиёжларнинг иккиламчилиги.

Мавҳумлик. Бу концепция икки томонга эга. Биринчидан, бошқа хизматлар каби банк хизматларини мижоз олдиндан сезиши, кўриши ва баҳолаши мумкин эмас. Чунки хизматлар моддий асосга эга эмас. Шу сабабли истеъмолчилар хизмат кўрсатишнинг ташқи (кўринадиган) унсурларига – банк ускунаси, хизмат кўрсатаётган персоналнинг ташқи кўриниши, банк символикаси ва банк томонидан таклиф этилаётган хизматларнинг характери ва сифати ҳақида бевосита ва билвосита ахборот бериши мумкин бўлган бошқа воситаларга катта эътибор берадилар

Иккинчидан, уларни қабул қилиш (эътироф этиш ва англаш) қийин ҳисобланади. Бошқа кўп хизматлардан фарқли ўлароқ, банк хизматидан фойдаланиш истеъмолчилардан маълум маданий ва махсус билим даражасини талаб қилади.

Ҳизматларнинг манбасидан ажратилмаслиги. Банк хизмати уни кўрсатувчидан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Бошқа хизматларнинг

манбалари бўлиб инсонлар ёки машиналар бўлиши мумкин. Агъана бўйича, банк хизматлари фақат мос малакага эга бўлган банк ходимлари томонидангина кўрсатилади. Замонавий банк тизимининг ривожланиши ва техник жиҳатдан таъминланиши даражасининг ўсиши билан банк хизматларининг манбаси бўлиб кўпроқ машиналар хизмат қиляпти. Мижозларда банкка ўз топшириғини электрон каналлар (банкоматлар, модем алоқаси) орқали бериш имконияти пайдо бўлди. Персонал алоқа бугунги кунда кўп турдаги банк хизматларини олишда зарурий шарт бўлиб қолмоқда.

Хизматлар сифатининг nobарқарорлиги. Кўпгина банк муассасалари мижозларга хизматларнинг ўхшаш ёки хаттоки бир хилдаги мажмуасини таклиф қилишларига қарамасдан, банк маҳсулотлари сифатининг абсолют бир хиллигига эришиб бўлмайди. Бу биринчи навбатда, мижозларнинг турли даражадаги техник ва коммуникацион кўникмага эга бўлган банк ходимлари билан интенсив мулоқатда бўлишини кўзда тутувчи автоматлаштирилмаган хизматларга тегишлидир. Бундан ташқари, битта ходим маълум вақт давомида вазият, кайфият, ўзини ҳис қилиши ва х.к. ларга боғлиқ ҳолда хизматнинг ҳар хил даражасини кўрсатиши мумкин.

Банк хизматлари нархининг сақланмаслиги. Банк хизматлари нархи бир даражада сақланиши мумкин эмас. Уларнинг баҳоси ўзгариб туради ва фоиз ҳафтанинг ҳар хил кунларида, ҳаттоки куннинг турли соатларида турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли хизматларга навбатларнинг бўлмаслиги учун, банк бошқа бўлимлардан қўшимча ходимларни жалб қилиш, автоматизасия воситаларидан фойдаланиш ва бошқалар хилдаги чора-тадбирларни олдиндан режалаштириши лозим.

Банкларда хизмат кўрсатишнинг шартномали характери. Банк хизматларининг кўрсатилиши, уларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси ўртасида фуқаролик - ҳуқуқий шартномаларининг тузилишини

кўзда тутади. Бу миждлар учун кўшимча қийинчиликларни (баъзида эса психологик тўсиқларни) вужудга келтиради. Хизмат кўрсатишнинг шартномали характери миждга банк хизматларининг мазмуни ва уларни кўрсатишнинг шартномавий шартларини батафсил тушунтириш заруратини юзага келтиради.

Банк хизматларининг пулда амалга оширилиши. Банк хизматларини кўрсатиш пулдан турли шакллар ва сифатларда (корхоналар, тижорат банкларининг маблағлари, нақд пул, бухгалтерия ёзувлари ёки тўлов-хисоб-китоб ҳужжатлари кўринишидаги пуллар) фойдаланиш билан боғлиқдир. Пул билан боғлиқ ҳамма нарсага эса инсонлар катта эътибор қиладилар. Бу эса банк фаолиятининг муваффақиятини миждларнинг ишончига боғлиқ қилиб қўяди ва ушбу ишончни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳаракатларни талаб қилади.

Хизмат кўрсатишнинг вақт бўйича давомийлиги. Банк билан мижд ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ишончли ва узоқ муддатли характерига катта эътибор берилади. Ҳақиқатдан ҳам, масалан, ҳисобварақ очилаётганда мижд банкка ўз маблағларини чекланмаган муддатга ишонади ва битимга киришади.

Қондириладиган эҳтиёжларнинг иккиламчилиги. Маълумки, банк хизматлари билан қондириладиган молиявий эҳтиёжлар иккиламчидир, у дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларнинг ҳосиласи бўлиб ҳисобланади. Албатта, банк хизматлари қондирадиган эҳтиёжлар турли хилдир. Бу ҳам ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (банк кредити асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан йўлга қўйилган ҳисоб-китоблар тизими ёрдамида ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш) ҳамда шахсий эҳтиёжлар (активлардан даромадлар ҳисобига физиологик эҳтиёжларни қондириш, пуллар ва бошқа бойликларни омонатда ёки банк сейфида сақлаш орқали хавфсизлигини таъминлаш,

ниқли банк хизматларидан фойдаланиш йўли билан ижтимоий статусга эга бўлиш эҳтиёжининг қондирилиши) бўлиши мумкин. Лекин барча айтиб қилинган эҳтиёжлар бевосита банк хизматлар билан қондирилиши мумкин эмас. Банк хизматлари дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларни эмас, балки уларнинг хосиласи бўлган молиявий эҳтиёжларни қондиради. Натижада, банк хизматлари истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини бевосита қондирувчи моддий бойлик ва хизматларга жозибадорлик ҳақиқатидан ютқзади. Бу молия – банк институтларининг истеъмолчи пуллари учун курашда ўз маҳсулотларини ўтказиш бўйича вазифасини қийинлаштиради ва қўшимча маркетинг хизматларини талаб қилади.

Шундай қилиб, банк хизматининг моҳияти банк билан мижоз маблағларининг ҳаракати хусусидаги иқтисодий муносабатларда ўзифодасини топади.

Банк хизматининг мақсади – даромад олиш учун молиявий эҳтиёжларни қондиришдир.

1.3.Тижорат банклари томонидан кредит бериш ва уни шакиллантириш хусусиятлари

Тарихан банк фаолияти товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ холда ривожланиб, миллий иқтисодиётда пул ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, яратилган капитални қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашиб, жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилиб келган.

Мамлакатимизда ихтисослашган акционерлик ва хусусий банкларнинг ривожланиши хўжалик субъектларига банкларни эркин танлаш ҳуқуқи имконини берди. Бугун мижозлар банкларга эмас, балки банклар мижозлар фаолиятига боғлиқ ва банклар ўртасида рақобат вужудга келди.

Банкларнинг рақобатга бардош бериши, уларнинг даромадлигига, миждозларга кўрсатилаётган малакали хизмат маданиятига, хар бир банк томонидан ишлаб чиқилган “кредит сиёсати”га боғлиқдир.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит маблағлари ролини ошириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш жараёнида кредитлашнинг қандай шакл ва турларидан фойдаланиш самаралироқ эканлигини ва танланган кредит шаклидан хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги ролини ошириш масалаларини ўрганиб чиқишимиз лозим бўлади. Бунинг аввало амалиётда қўлланилаётган кредит шакли ва турларини, уларнинг ижобий ва сабий томонларини ўрганишимиз лозим бўлади.

Кредит шакллари кредит муносабатларининг мазмун моҳияти ва тузилиши билан боғлиқдир. Кредит шаклларини кредит муносабатларининг хусусиятига қараб қуйидаги шакилларга ажратиш мумкин:

ссуда қийматига;

кредит муносабатларида иштирок этувчи субъектлар ҳуқуқий ташкилий тузилмасига;

кредитнинг истеъмол мақсадига қараб.

Ссуда қийматига қараб товар, пул ва аралаш шакилларига ажратиш мумкин. Замонавий амалиётда кредитнинг товар шакли асосий татбиқ қилувчи шакил ҳисобланади.

Замонавий амалиётда асосан кредитнинг пул шакли татбиқ этилса да, кредитнинг товар шаклидан ҳам фойдаланилади. Масадан, товарларни (рассрочка) қарзга сотиш, лизинг каби амалиётлар шулар жумласидандир.

Кредитнинг аралаш шакли, яъни товар пул ёки пул товар шаклиллари ҳам амалиётда кенг бўлмасда, татбиқ этиб турилади. Кредитнинг бундай шакллари асосан эндигина ривожланаётган мамлакатларга халқаро кредитлар шакли амалга оширилган кредит муносабатларида татбиқ этилади. Бунда асосан пул шаклида берилган кредитлар қарздортомонлардан махсулотлар билан қайтарилиш амалга оширилади. Кредитнинг аралаш шакли мамлакат ички муносабатларида ҳам татбиқ этилади.

Масалан, “узайтириш” усулида товарларни сотилишида товар билан берилган кредит пул маблағлари билан аста секин сўндирилиб борилади.

Кредит муносабатларида иштирок этувчи субъектлар ҳуқуқий ташкилий тузилмасига қараб:

Банк кредитлари;

Хўжалик кредитлари;

Давлат;

Халқаро ва фуқаролик кредит шакилларига ажратилади.

Қарздорларнинг истеъмол мақсадига қараб: ишлаб чиқариш ва истеъмол кредит шакилларига ажратилади.

Амалиётда соф кредит шакилларининг бири иккинчисидан ихоталанган (изолирован) ҳолда кўриниши мавжуд эмас. Масалан, кредит гарчи пул кўринишида берилган бўлса да, аксарият ҳолларда товар кўринишида сўндирилиш ҳоллари тез тез учраб туради. Фуқаролик кредитларининг ҳамма кўринишлари ҳам истеъмол кредитлари дейилиши мумкин эмас. Масалан, уй жойни тамирлаш, қуриш ёки қишлоқ хўжалигида ишлатилиши учун мўлжалланган хўжалик буюмларининг сотиб олиниши кабилар.

Кредит турлари: Кредит турлари деганда иқтисодий ташкилий хусусиятларига қараб кредит муносабатларини нисбаттан чуқуррок

таснифланилишига айтилади. Хар бир мамлакатнинг кредит муносабатларини таснифлашнинг ўзига хос мезонлари мавжуд.

Масалан:

Тармоқлараро йўналишига;

Кредит объектига;

Таъминланишига;

Муддатлилигига;

Тўловлилик хусусиятларига қараб таснифланади.

Тармоқлараро йўналишига қараб: саноат, савдова қишлоқ хўжалигини кредитлаш турларига.

Кредит объектига қараб: кредит объекти деганда берилаётган кредит ниму учун берилганлигига қараб таснифланади. Масалан, аксарият холларда кредитлар товар моддий бойликларни сотиб олиш учун берилади. Қишлоқ хўжалигида кредит субъекти бўлиб қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш харажатларини қоплаш учун берилса, саноатда мавсумий харажатларни қоплаш учун берилади.

Таъминланганлигига қараб эса кредитлар: тўғри ва эгри, тўлиқ ва қисман таъминланганва таъминотсиз (бланкли ишонч асосида) кредит турларига бўлинади.

Муддатига қараб эса кредит турлари қисқа, ўрта ва узоқ муддатли турларига бўлинади.

Тўловлилигига қараб эса тўловли, тўловсиз, қиммат ва арзон кредит турларига бўлинади.

Банклар томонидан бериладиган кредитларнинг турлари. Банклар томонидан мижозларнинг кредит маблағига бўлган эҳтиёжларини қондириш

мақсадида кредит мақсадига қараб таснифлаб чиқилганда қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1. Ипотек кредитлари, яъни кўчмас мулк асосида таъминланган кредитлар. Бунда кредит тури мижозларга уй жой сотиб олиш, қуриш мақсади учун берилади.
2. Молиявий институтларга бериладиган кредитлар. Бунда кредитлар банк муассаларига, суғурта ва молиявий компанияларга берилади.
3. Қишлоқ хўжалиги учун бериладиган кредитлар. Бундай кредитлар қишлоқ хўжалик корхоналарига қишлоқ хўжалиги фаолияти учун берилади.
4. Савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарига бериладиган кредитлар. Бундай кредитлар ишлаб чиқариш ва савдо фаолияти учун берилади.
5. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитлар. Бундай кредитлар асосан аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган эhtiёжларини қондириш учун берилади.
6. Бошқа кредитлар, бундай кредитларга юқорида қайд этиб ўтилмаган кредит турлари шу жумладан қимматли қоғозлар билан таъминланган кредитлар ҳам киради.
7. Молиявий лизинг, бунда банк асобо ускуна ва жихозларни сотиб олиш, кейинчалик кредит объектига тўлиқ эгалик қилиш ҳуқуқини мижозга бериш шарти билан узоқ муддатга ижарага беради.

Тадқиқот натижалари кўрсатиб турмоқдаки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳанинг аҳоли ижтимоий эhtiёжларини қондириш ва хизмат кўрсатиш туббъектлари фаолиятини ривожлантиришдаги асосий муаммоларидан бири фаолият юритиш учун асобо учкуна, хизматга оид анжомлар ва замонавий талаб даражасидаги бино иншоотларнинг ҳамда айланма маблағларнинг етишмаслигидир. Бу муаммоларни ҳал этишкредитлашнинг “Лизинг”, “Контокорент” каби шакил ва турларидаг шунингдек “Факторинг” хизматларидан фойдаланиш ижобий натижа беради,

кредитлашнинг бу шаклларида фойдаланиш жараёнларини ТИФ МБ Самарқанд вилоят бўлими малумотлари орқали ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Банк мижоз кредит муносабатлари қандай шакл ва усулда амалга оширилмасин, муносабат натижаси ижобий яқун топгандагина ҳар икки томон манфаат кўради.

Маълумки, кредит амалиётлари банк даромадоарининг асосини ташкил этувчи фойзли даромад манбаи бўлиш билан бирга, банк даромадига салбий таъсир доираси юқори бўлган амалиёт ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банкларда кредит муносабатлари сифатини ортириб бориш муҳим ҳисобланади. Чунки кредит муносабатларининг самарали яқунланиши нафақат кредит ташкилотлари фаолиятида даромадлилик ортиб боришга олиб келади, балки умуминсоний фаолият ва унинг шахсий инсоний омилига хизмат тўрсатиш соҳа тизими фаолияти узвийлигини таъминлаб, жамият иқтисодий ўсишига замин яратиш имкониятини кенгайтиради. Бу эса банк - молия хизматлари бозорида банк ва бошқа кредит ташкилотлари мавқеининг мустаҳкамланиб боришини таъминлаб, мижозлар сафини кенгайтириш учун арзон ва сифатли хизматларни таклиф этаолиш имкониятини беради. Кредит муносабатлари самарадорлигини таъминлаш масалаларига қаратилган илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишимиз учун аввало банкларда кредитлаш жараёни қандай йўлга қўйилгани ва бу жараёнлар таъсирининг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси фаолиятини ривожлантиришда татбиқ этиш муаммоларини ўрганиб чиқишимиз ва уларни бартараф этиш илмий асосланган тавсиялари ишлаб чиқишимиз лозим бўлади. Бунинг учун банклардаги кредитлаш жараёнининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишимиз лозим деган фикрга асосланиб иш юритдик.

2.Боб. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш масалалари

2.1.Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз Президенти И.Каримов 1991 йил сентябр ойида чиқарган Фармон билан ташкил этилган.

Банк олдида мамлакатимиз компанияларининг ташқи савдо операциялари бўйича халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсата оладиган, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни жалб этишга қодир бўлган молия муассасаси яратиш вазифаси қўйилган. Моҳиятан, бугунги кунда Ўзмиллийбанк мамлакатимиз банк тизимининг халқаро молия бозорларидаги “ташрифнома”си бўлиб қолди. Консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, банкни бошқаришнинг самарали механизмларини, ўсиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу ҳолат унга дадил ва жўшқин ривожланиб, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида мустаҳкам обрўга эга бўлиш имконини берди.

Банк бозор ўзгартишларини амалга оширишда фаол етакчилик қилиб келмоқда. Лойиҳаларни молиялаш, универсал тижорат, инвестиция ва жамғарма банклари функцияларини энг мақбул тарзда уйғунлаштириб ишлаётган Ўзмиллийбанк Ўзбекистон бозор иқтисодиётига муваффақиятли кириб боришига ёрдам бермоқда. ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва филиаллари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда таҳлил этилган

**ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва филиаллари
фаолиятининг 2014 йил иқтисодий кўрсаткичлари**

1- жадвал

№	Банк номи	Жами даромадлар	Фоизли даромадлар (140)	Фоизсиз даромадлар (350)
		Хақиқат	Хақиқат	Хақиқат
1	Самарқанд	30 305,8	22 813,5	7 492,4
2	Қаттақурган	2 531,0	2 053,9	477,0
3	Ургут	2 129,5	1 334,6	794,9
4	Булунгур	1 799,5	1 470,8	328,7
5	Жомбой	2 005,5	1 657,0	348,5
6	Нуробод	1 678,9	1 095,5	583,4
7	Пастдаргом	3 205,0	2 749,5	455,5
8	Регистон	780,0	666,4	113,6
	Жами	44 435,2	33 841,2	10 594,0

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики барча банк филиалларида фоизли даромадларнинг улуши фоизсиз даромадларга нисбатан юкори туради. Бир Самарқанд булимини оладиган булсак фоизли даромадлари фоизсиз даромадларидан 3 баробар юкори туради.

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида иқтисодий ривожланиши динамикаси банк тарихида акс этган. Ўзмилийбанк мамлакатимиз банк хизматлари бозорида пешқадамлик қилаётгани, барқарор ривожланаётгани, унинг депозит базаси бетўхтов ўсиб бораётгани, хорижий кредит йўналишлари кенг кўламда жалб этилаётгани Ўзмилийбанк Ўзбекистон иқтисодиётининг амалда барча тармоқларига мансуб инвестиция лойиҳаларини молиялашда фаол қатнашишида ёрдам берди.

ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва филиаллари
фаолиятининг 2013 - 2014 йилларда депозитлар ва ахоли омонатларини
жалб этилиши

2-жадвал

БАНК НОМИ	МФО	УМУМИЙ ДЕПОЗИТЛАР		СУМДАГИ ДЕПОЗИТЛАР		АХОЛИ ОМОНАТЛАРИ	
		01.01.2015. санасига РЕЖА	01.01.2015. санасига ХАКИКАТ	01.01.2015. санасига РЕЖА	01.01.2015. санасига ХАКИКАТ	01.01.2015. санасига РЕЖА	01.01.2015. санасига ХАКИКАТ
АМАЛИЕТ БОШКАРМАСИ	278	178 196	171 180	113 504	142 550	59 997	64 679
КАТТАКУРГОН ФИЛИАЛИ	840	5 720	3 281	4 202	3 270	2 263	2 358
УРГУТ ФИЛИАЛИ	865	8 258	2 773	6 497	2 754	935	986
БУЛУНГУР ФИЛИАЛИ	900	6 538	6 409	5 218	6 407	665	559
ЖОМБОЙ ФИЛИАЛИ	913	2 614	1 101	1 583	825	770	601
НУРОБОД ФИЛИАЛИ	939	3 148	2 129	2 346	2 128	1 110	1 693
ПАСТДАРГОМ ФИЛИАЛИ	941	1 861	1 645	861	1 644	865	783
РЕГИСТОН ФИЛИАЛИ	1112		1 779		1 516		861
САМАРКАНД БУЛИМИ		206 334	190 297	134 210	161 094	66 606	72 519

Жадвал маълумотларини урганадиган булсак умумий депозитлар вилоят микёсида 190 297 (млн) сумни ташкил қилган, шундан сумдаги депозитлар 161 094 (млн) сумни ахоли омонатлари эса 72 519 (млн) сумни ташкил қилмоқда. Ахоли омонатларига нисбатан сумдаги депозитлар 88 575 (млн) сумга юкори.

Мустақиллик йилларида банк иқтисодиёт таркибан чуқур қайта қурилишини таъминловчи лойиҳаларни молиялади. Булар, нефт ва металлларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, кичик ва ўрта бизнесни

ривожлантириш лойиҳалари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг янги қиёфасини шакллантирувчи бошқа кўплаб лойиҳалардир.

Мамлакатимиз банк шўъбаси жадал ривожланаётган шароитда Миллий банк Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб ҳисоб юритиш халқаро андозаларига мос келадиган янги ҳисобварақлар режасидан фойдаланишга ўтди 2004 йилда “Глобус” автоматлаштирилган банк тизимини амалга киритиш ишлари наҳоясига етди. Ҳозирги кунда бу тизим банкнинг барча бўлим ва филиалларида амал қилмоқда..

Мамлакатимизнинг иқтисодий муҳим ҳисобланувчи барча минтақаларида жойлашган 90та филиали кенг доирадаги хизматлар кўрсатилишини таъминламоқда. Шунингдек, Миллий банк Москва шаҳрида ўзининг “Азия-Инвест Банк” шўъба банкига эга.

Миллий банк кенг доирада юритаётган фаолият ички ва халқаро банк операцияларининг амалда барча соҳаларини қамраб олган. Энди у халқаро андозалар даражасида банк хизматлари кўрсатиш имконини берувчи замонавий банк технологияларини ривожлантирмоқда. Банк халқаро молия ташкилотлари, хорижий банклар ва экспорт-импорт агентликлари ажратаётган кредит йўналишларидан фойдаланиш мақсадида корпоратив хизматлар кўрстиб, улар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадли сиёсат юритмоқда. Хусусан: - ташқи савдо фаолияти Миллий банк Ўзбекистондаги бутун ташқи савдо оборотининг 70%дан ортиғи бўйича хизмат кўрсатмоқда. Бунда экспорт-импорт бўйича кредитлашнинг бўнак тўловлари қайтарилиши, контрактлар ижро этилиши юзасидан кафолатлар бериш, векселларни дисконтлаш, форфейтинг, факторинг, ўзбекистонлик экспортчиларга бевосита банк кредитлари бериш, лойиҳаларни молиялаш, экспорт-кредит агентликлари иштирокида экспорт-импортни молиялаш каби механизмлари қўлланилаёпти. Тўлов муддати суриладиган аккредитивлар қўлланилмоқда,

мижоз товарни етказиб бераётганда ва сотаётганда маблағларни консигнация шартларида бир марталик конвертациялаш ишлари амалга оширилаяпти; - лойиҳаларни молиялаш Миллий банк лойиҳаларни молиялашда янги корхоналар куриш, ишлаб турганларини модернизациялаш ёки техник қайта курулантириш (жумладан, машина-ускуналар сотиб олиш, курилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажариш), шунингдек ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари нормал фаолият юритишини таъминлаш учун зарур хом ашё ва материалларнинг бир қисмини сотиб олиш кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини молиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кредитлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларида таркибий ўзгартишларни таъминловчи энг муҳим инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун мўлжалланган. Йирик халқаро молия муассасалари кредит йўналишларининг аксарият қисми тижорат асосида, бевосита ҳукумат кафолатлари тақдим этмасдан жалб қилинмоқда; - инвестициялашга доир банк иши Ўзмилийбанк инвестиция банки сифатида мамлакатимизда инфраструктураси ривожланган, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни фаол қўллаб-қувватлаётган, молия ҳамда саноат шўбалари ривожланишига ёрдам бераётган энг катта банк ҳисобланади. Банкнинг инвестиция портфели тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, курилиш, агробизнес, транспорт ва сайёҳлик, молия шўбаси корхоналарининг аксияларини камраб олган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унинг инвестиция лойиҳаларини молиялаш – банк фаолиятидаги шубҳасиз устувор йўналишдир; 1-илова берилган

Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш сиёсатига қатъий амал қилиб, банк аҳолининг жалб этилган маблағлари ва хусусий омонатлар бўйича мамлакатимиз молия бозорида етакчилар сафига қўшилди. Ҳозирги кунда банк чакана хизматларнинг 70дан зиёд турини тақдим этмоқда. Ўзмилийбанк бўлим ва филиаллари орқали кўрсатиладиган электрон хизматлар доираси кенгайиши, аҳолининг банкка ишончи ортиши,

омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги депозитларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, хизматлар сифатини ошириш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилиши натижасида мижозлар сони анча кўпайди. Амалга оширилган ишлар Ўзмилийбанкка аҳолининг жалб этилган депозитлари бўйича Ўзбекистонда пешқадамлик мавқеини эгаллаш имконини берди; пластик карточкалар Банк аҳолига кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш борасида пластик карточкаларнинг ҳар хил турларига катта аҳамият бериб қарамоқда. Уларни жорий этишда Ўзмилийбанк энг замонавий технологиялардан дадил фойдаланиб, чинакам новаторлик қилапти. Ўзмилийбанк карточкалари бўйича тўловни қабул қиладиган савдо-сервис корхоналари тармоги кенгайиши бу карточкалар аҳоли орасида янада оммалашиб кетишига янги туртки берди. Ўзмилийбанк миллий валутада ҳисоб-китоблар қилиш учун мўлжалланган сўм карточкалари, Виса Классик ва Виса Электрон халқаро карточкалари бўйича хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзмилийбанк Ўзбекистоннинг ўзида ҳам, ундан ташқарида ҳам хизматлар ва маҳсулотларнинг қуйидаги янги турларини таклиф қилиши мумкин: электрон банкинг Банкнинг бўлим ва филиаллари мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган барча минтақаларида жойлашган. Улар мижозларга банк хизматларининг бутун комплексини тақдим этаяпти, электрон банкинг тизими, яъни банкоматлар, савдо ва сервис корхоналаридаги терминаллар орқали замонавий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаяпти; - “Банк-мижоз” тизими “Банк-мижоз” дастурий комплекси банк билан мижоз автоматлаштирилган тарзда ўзаро ҳамжиҳат ишлаши учун мўлжалланган, пул маблағларини реал вақт режимида тезкор бошқариш имкониятини оширишда ёрдам беради. АФИРАТОнинг 25-йиллик конференцияси ва Бош ассамблеяси ўтказилаётганда банк илгари сурган “Мижозларга масофадан электрон

хизматлар кўрсатиш тизими” маҳсулоти учун “Технологияларни ривожлантириш” номинациясида Миллий банкка АФИРАТО мукофоти тақдим этилди.

Миллий банк Ўзбекистон кредит бозорида пешқадамлик қилмоқда. Банк саноатнинг барча тармоқларига ҳамда мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига мансуб корхона ва ташкилотларга миллий ва хорижий валутада кредитлар берапти. Банк оборот сармоясини молиялаш, экспорт ва импортни молиялаш, лойиҳаларни молиялаш учун кредитлар ажратмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, унинг инвестиция лойиҳаларини молиялаш – Банк фаолиятининг сўзсиз устувор йўналишидир. Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида экспорт-импорт операцияларини бажариш, ягона банк фазосини шакллантириш учун ишончли молия тузилмаси бўлишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган “Азия-Инвест Банк” шўъба банки Россия молия бозорида мустаҳкам мавқени эгаллаб турибди.

Ҳозирда банкнинг асосий куч-ғайрати устувор тармоқларга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, корпоратив ва чакана мижозлар доирасини кенгайтириш, фонд бозоридаги иш самарадорлигини ошириш, Ўзмиллийбанкни институционал ривожлантириш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш каби вазифаларга йўналтирилмоқда.

Ўзмиллийбанк тузилишида кенг маънодаги инвестиция банкни ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Банк инвестицияларидан кўзланган мақсад, ҳозирги кунда ҳам, узоқ муддатли истиқболда ҳам банкнинг тижорат манфаатлари иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мижозлар манфаатлари билан энг мақбул даражада уйғунлашувига эришишдан, активларни диверсификациялаш, хатарни минималлаштириш ҳамда ресурслар самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Миллий банк даромадлилиги даражаси юқори экани олиб борилаётган

кредит ва тижорат фаолиятига пухта ўйлаб ёндашилаётгани ҳамда оқилона консерватив сиёсат юритилаётгани билан уйғунликда унга кейинги беш йил мобайнида БИС ишончлилик рейтинги бўйича жаҳоннинг энг ишончли банклари орасида етакси мавқени эгаллаб туриш имконини бермоқда. Банк хорижий шериклар олдида ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўла ҳажмда ва белгиланган мудатларда бажариб келаяпти. Банк фаолият юритаётган бутун давр мобайнида ҳали бирор марта ҳам ташқи тўловлар бажарилмаган ҳолати юз бермади. Аксинча, Ўзмиллийбанк кредит тарихига баҳо берган етакчи экспорт-импорт агентликлари кредит йўналишлари ҳажмини давлат кафолатларисиз ошираяптилар.

Ҳозирги вақтда Миллий банк олдида қуйидаги асосий вазифалар турибди:

- * мавжуд ва потенциал мижозлар мақсад гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳамда талабларига жавоб берувчи фаол маркетинг сиёсатини шакллантириш;
- * корпоратив мижозлар билан ишларни кучайтириш. Мумкин қадар кўпроқ биринчи даражали мижозларни банкка жалб этиш ва узоқ муддатли асосда бириктириб олиш;
- * мижозлар билан ишлашнинг андозавий технологияларни ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув билан уйғунлаштиришга асосланган янги идеологиясини жорий этиш;
- * мамлакат чакана бозоридаги пешқадамликни сақлаб қолиш;
- * инвестиция дастурини, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлатга максимал даражада ёрдам берилишини, республикамиз экспорти қўллаб-қувватланишини таъминлаш;
- * мижозлар кенг доирасига таяниб, активлар ва пасивлар структурасининг мувозанатли ҳолатини таъминлаш, уларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш;
- * ресурс базасини диверсификациялаш, жумладан бунда ташқи молиялашдан фойдаланиш;
- * банкнинг хорижий инвесторлар олдидаги катта обрўсидан, халқаро

андозалар бўйича банк ишончилигининг юқори кўрсаткичларидан фойдаланиб, халқаро бозорларда банк учун мақбул нархларда сармоя жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш;
* даромадлилик, ликвидликни ошириш, валюта ва бозорга оид хатарларни камайтириш мақсадида инвестиция портфели тузилишини мақбуллаштириш;
* банкни бошқаришнинг мослашувчан тузилишини барпо этиш. Бунда бошқарувнинг иқтисодий воситаларига ҳамда ваколатларни тақсимлашнинг мақбул тизимига асосланиш

2.2. ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва филиалларида кредит портфелини шакллантириш мезонлари

Кредит портфелининг мохиятини тугри тушуниш на тахлил қилишда куйидаги мезонларни эътиборга олиш муҳимдир, яъни:

- берилган кредитлар бўйича рисклилик даражасини ифодаловчи мезонлар;
- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йигиндисини ҳисобга олиш зарулиги;
- кредитларнинг асосий мезонлари бўйича туркумлаш лозимлиги ва бошкалар.

Кредит портфели фақат нормал кредитларни эмас, балки муддати утган кредитларни ҳам уз ичига олади. Бу омилларни эътиборга олиш тижорат банкларининг кредит портфелини шакллантиришда, уларнинг фаолиятини тугри ташқил қилишда катта аҳамиятга эга. Кредит рискларининг даражаси хорижий банклар ва бизнинг банкларимиз амалиётида ҳам банкларнинг кредит портфелини ифодаловчи мезонлардан асосийси ҳисобланади. Айнан шу курсаткичнинг даражасига қараб, кредит портфелининг сифати аниқланади. Банкларнинг кредит портфелини баҳолаш ва тахлил қилиш банк менежерларига ссуда операцияларини самарали бошқаришга имкон беради.

**ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими Кредит портфели таркиби
динамикаси**

3- Жадвал

БАНК НОМИ	МФО	ЖАМИ КРЕДИТЛАР	КАЙТА МОЛИЯЛАШ КРЕДИТЛАРИ (валюта, галла, пахта, кишлок қурилиш...)	СУМДАГИ КРЕДИТЛАР
		01.01.2015. санасига ХАКИКАТ	01.01.2015. санасига ХАКИКАТ	01.01.2015. санасига ХАКИКАТ
АМАЛИЕТ БОШКАРМАСИ	278	227 546	143 792	83 754
КАТТАКУРГОН ФИЛИАЛИ	840	14 508	221	14 287
УРГУТ ФИЛИАЛИ	865	20 970	312	20 658
БУЛУНГУР ФИЛИАЛИ	900	12 177	241	11 936
ЖОМБОЙ ФИЛИАЛИ	913	8 505	297	8 208
НУРОБОД ФИЛИАЛИ	939	14 508	4 983	9 525
ПАСТДАРГОМ ФИЛИАЛИ	941	20 715	886	19 829
РЕГИСТОН ФИЛИАЛИ	1112	16 052	25	16 027
САМАРҚАНД БУЛИМИ		334 980	150 756	184 224

- Жадвал маълумотлари шуни курсатадики, банкнинг даромад келтирувчи активларининг 51,6% (Ишлаб чиқаришқурилишбанк)дан 99,2% гача (Кишлоқ Қурилиш банки) қисми мижозларга бериладиган кредитларни ташқил қилади. Шу сабабли банк рискинни камайтиришда уларнинг кредит портфелини тугри ташқил қилиш улар берган кредитларнинг самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Банкларнинг кредит портфелини ташқил қилишнинг асосий мақсади банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегиясини ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш соҳасида чоралар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун банк берилган кредитларнинг

белгиланган лимитларга мос келиши, кредит ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, кредит рискларни камаййтириш ва кредитларнинг сифатини яхшилаш каби курсаткичларнинг хакикий ҳолатини текшириб бориши зарур.

Тижорат банкларининг кредит портфелини ташкил қилиш кредитлашни ташкил қилиш тамойилларига асосланган булмоги лозим. Кредитнинг муддатлилиги, унинг уз вақтида қайтарилиши ва туловлилиги кредит портфелининг барқарорлигини на сифатлилигини таъминлашга асос бўлиши мумкин.

ТИФ Миллий банк Самарқанд бўлими ва филиалларида 2014 йилда кредит портфелининг хатарлар даражасига кўра таснифи ва захира ташкил қилиш

4- жадвал

Филиал номи	Жами активлар	Жами Захира	Яхши	Захира	Стандарт	Захира	Субстандарт	Захира	Шубҳали	Захира
АМАЛИЁТ	226 773,1	541,8	222 287,8	0,0	3 972,0	397,2	448,4	112,1	64,9	32,5
КАТТАКУРГОН	14 508,1	125,3	13 255,1	0,0	1 253,0	125,3	0,0	0,0	0,0	0,0
УРГУТ	20 969,7	19,8	20 771,7	0,0	198,0	19,8	0,0	0,0	0,0	0,0
БУЛУНГУР	12 176,8	43,8	11 738,8	0,0	438,0	43,8	0,0	0,0	0,0	0,0
ЖОМБОЙ	8 504,8	0,0	8 504,8	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
НУРОБОД	14 507,8	22,6	14 281,8	0,0	226,0	22,6	0,0	0,0	0,0	0,0
ПАСТДАРГОМ	20 715,2	295,2	17 763,2	0,0	2 952,0	295,2	0,0	0,0	0,0	0,0
РЕГИСТОН	16 052,1	100,0	15 052,1	0,0	1 000,0	100,0	0,0	0,0	0,0	0,0
ЖАМИ :	334 207,6	1 148,5	323 655,3	0,0	10 039,0	1 003,9	448,4	112,1	64,9	32,5

Кредит портфелининг сифатини доимий равишда назорат қилиш тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг

кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шунини кайд қилиш лозимки, банкларнинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа қўшимча маълумотлари улардаги активлар сифатининг реал ҳолатини, шунингдек кредит портфели бўйича мавжуд муаммоларнинг банк даромадига таъсирини аниқ эътириши лозим. Бундай маълумотларнинг йўқлиги нафақат банк акциядорлари еки Марказий банк ва бошқа манфаатдор томонларни чалғитиб қўймасдан, балки банкнинг узига ҳам рискларни бошқариш жараёнида зарар етказиши мумкин. Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тугрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар қўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкин. Муаммоли кредитлар банклардаги рискларни минимал даражага етказишга тўсик бўлиб туради. Кредит портфели сифати ҳақида объектив маълумотларнинг йўқлиги банк раҳбарияти томонидан банкнинг кредит сиёсатига зарур ўзгартиришлар киритилишига ҳам халакит беради.

Банкларнинг кредит портфелини ташқил қилишда:

- кредит рисклари даражасини инобатга олган ҳолда кредитларнинг сифатини баҳолаш меъзонларини танлаш;
- ва улар асосида кредитнинг сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, ссудаларнинг асосий гуруҳларини, уларнинг фоиз ставкалар асосида аниқлаш;
- кредитларни тавсифлаш (туркумлаш);
- ҳар бир кредит гуруҳи бўйича риск фоизи даражасини аниқлаш;
- ҳар бир кредит ва банк бўйича кредит рискнинг абсолют суммасини аниқлаш;
- тегишли маълумотлар асосида кредитлар бўйича зарарларни коплаш учун етарли захира суммасини аниқлаш;
- коэффициентлар бўйича кредит портфелининг сифатига баҳо бериш;

- кредит портфелининг таркибини яхшилаш бўйича тадбир – чоралар ишлаб чиқиш зарур.

3. ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят филиалида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кредитлашни ривожлантириш

3.1. ЎР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят филиалида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни кредитлашдаги айрим муаммолар

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жамиятнинг ривожланишида кенг қўлланиб келаётган соҳа ҳисобланади, бозор шароитида демократик давлат қуриш билан инфраструктурани ривожланишининг мақсад ва вазифалари намоён бўлмоқда.

Миллий хўжалик ва жаҳон иқтисодиётида юритимиз ва чет эл мутахассисларининг баҳолашлари бўйича хизмат кўрсатиш ва сервиснинг келажакда жадал суръатларда ўсиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартириш бўйича аниқ йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилдаги 38,7 фоиздан 2013 йилда 50,5 фоизга ўсди. Ахборот-коммуникация, банк, сугурта, лизинг, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий юқори технологик ва бозор иқтисодиётига мос хизмат турлари илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асносида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасини 2013 йилга нисбатан 2016 йилгача 2,1

баробар ва улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ўтган йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис хизматлари кўрсатиш корхоналари сони ва уларда иш ўринларининг ўсиши кузатилган. Масалан, 2006-2013 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини тезкор ривожлантириш ҳисобига, авваламбор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 1,1 млн. янги иш жойлари яратилди. Умуман олганда ҳозирги вақтда хизмат кўрсатишнинг ЯИМда улуши ишлаб чиқарилаётган товар ҳисобидан бўлмоқда (2013 йилда хизмат кўрсатиш улуши 52 фоиз бўлган, 2016 йилгача эса 55 фоизга етказилади).

Мутахассисларнинг нуқтаи назаридан фикрлашларича, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушининг ўсиши макроиқтисодий кўрсаткичда энг кўп, ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ортиқча ривожланиши, ишлаб чиқариш материалларига ишчи кучини жалб этиш, пайдо бўлган омилларни ҳисоблаш сусайиши каби моҳиятини ўз ичига олади. Аммо, мутахассисларни ушбу фикрларига қўшила олмаймиз, чунки Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида банд бўлганлар улуши АҚШ, Франция ва бошқа давлатларга нисбатан 1,5-2 баробар, жамият хизматларини истеъмол қилиш даражаси эса АҚШга нисбатан 3.5 баробар паст.

Ўзбекистонда аҳолига тақдим этиладиган хизмат ва сервис соҳаларидан тўланадиган ёки тўланмайдиган хизматлар аҳамиятли ҳисобланади. Охирги йилларда аҳолини турли гуруҳлари томонидан истеъмол қилинадиган тўланадиган хизмат ва сервислар ҳажми ошди ва бу мамлакат халқ хўжалиги ривожланишида ижобий томондан ўз аксини топди. Бунда давлатни ўрни шундан иборатки, анъанавий бозорга алоқадор бўлмаган таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт каби тармоқларида тўланадиган хизмат ҳажмини ошишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, электр энергия, иссиқлик, уй-жой коммунал хизматларида ҳам нарх ошиши бир текис олиб борилапти. Солиқ имтиёзлари билан қулай шароитлар яратилди.

Демак, юртимизда хизматлар ва сервис соҳасини ЯИМдаги улушини ошишини нормал сервис жараёнлари деб ҳисоблаш мумкин.

Аммо, республика хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланишида аҳолини тўлов қобилияти ва сервис сектори структурасини ривожланмаганлигига боғлиқ бўлган бир хил бўлмаслик кузатилмоқда. Қишлоқ жойларда тақдим этилаётган хизматлар даражаси ва сифати иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига, республика аҳолисини реал эҳтиёжларига, мавжуд ресурс ва имкониятларга мос келмайди.

Хизмат ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини умумий ривожланишида турли хизматларга бўлган эҳтиёжлар ошиб борди. Шунингдек, истеъмолчиларни ҳаёт фарвонлигини ошиши ва шинамлик индустриясини ривожлантриш (хусусан, йиғиштриш, таом тайёрлаш ва бошқалар хизматлар соҳасида) таъсири катта бўлди. Уй шароитида юқори технологик товарлардан (шахсий компьютерлар, мультимедияли аудио, видео техникалар, хавфсизлик тизимлари) фойдаланиш, уларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларга бўлган талабни ошишига олиб келди. Аммо, ишбилармонлик хизматларини, хизмат соҳаси корхоналари технологияси ва бозорларни такомиллашиши, бозорни тадққот этиш билан боғлиқ маркетинг ишланмаси ва техник маслаҳатларини ўсиши сезиларли бўлмади. Шунингдек, телекоммуникациялар техник (хусусан, компьютерлар ва абонент терминалларни таъмирлаш) сервиси, видео телефон, уяли телефонлар, почта алоқаси объектлардаги электротехника, РАУNET тизими бўйича тўловларни қабул қилиш, электрон пул кўчириш, молиявий, банк (лизинг, аудиторлик, бухгалтерия ҳисобни олиб борш ва бошқалар), маиший хизматлар (поябзал, соат, маиший электрон асбоблар ва бошқаларни таъмирлаш)ни етишмаслги аниқланди.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан хизмат соҳасини 2012-2016 йилларга мўлжалланган комплекс ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш бўйича талаблар шакллантирилди. Улар

қуйидагилардан иборат:

- хизмат кўрсатиш соҳаси таркибини янада такомиллаштириш, аҳоли талабгор бўлган замонавий хизмат турлари билан бозорни жадал ривожлантириш;

- минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш.

Ушбу тадбирларни жадал бажарилишини ва хизмат соҳасини ривожлантиришни такомиллаштириш учун давлат томонидан 2012-2016 йилларда 189924 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди ва турли вазирлик ҳамда ташкилотларга хизмат соҳасини ривожлантириш учун маблағлар ажратиш тавсия этлди. Мисол учун, Ўзбекистон ахборот ва алоқа агентлиги 2012 йилга 93,8 млн. сўм, ҳар йили 114,12 млн. сўм 2016 йилгача, техник сервис учун, шунингдек 2012 йилга 107,8 млн. сўм, ҳар йили 403,5 млн. сўмдан 2016 йилгача интерактив телевидение учун режалаштирилган ва ҳ.к.

Республикада дастурий ривожлантириш бўйича олдинги йиллар тажрибаси турли имтиёزلарни ажратишни самарали эканлигини кўрсатди. Шунинг учун давлат томонидан хизмат соҳасини кейинги ривожланиш босқичларида ривожлантиришга катта туртки берувчи имтиёзлар белгиланган. Булар қуйидагиларни ташкил этади:

- хизмат кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда

солиғи ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди;

- 2012 йил 2 кварталидан бошлаб маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга озод этилди;

- қишлоқ жойларда якка тартибда қирхоналар хизматларини кўрсатадиган тадбиркорлар 5 йил муддатга солиқ тўловини тўлашдан озод этилди.

ТИФ МБ Самарқанд филиали томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига барча кредит линиялари ҳисобидан берилган кредитлар куйидаги 2 – иловада келтирилган

Кўриниб турибдики, хизмат соҳасини такомиллаштиришда, хусусан бозор иқтисодиётини ўтиш даврида давлат аҳамияти каттадир.

3.2. ТИФ МБ Самарқанд вилоят филиалида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни кредитлашдаги айрим муаммоларни бартараф этиш чоралари.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлик масалаларининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омилдир. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»га кўра, 2016 йилга қадар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54–56 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш

муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора тадбирлари кўзда тутилган.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун ички резервлар етарли даражада. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов – **“мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини тан олишимиз ҳамда бунга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур”¹** – деб, таъкидлаган .

Хизмат соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этади. 2013 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди. Бундай мураккаб иқтисодий ривожланишнинг содир бўлишини таъминлаш бевосита ушбу соҳада хусусий мулкнинг аҳамиятини оширишни таққозо этади.

Демак, энди сервис соҳаси ривож топади. Унинг истиқболига тўхталишдан олдин шу сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. Чунки, сервис сўзининг маъносига турлича қарашлар мавжуд. «Сервис инглизча

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини Ўатъият билан давом эттириш” мавзусида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

servise сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ни англатади.² Русча - ўзбекча луғатда³ «сервис – сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат)», деб кўрсатилган. Бошқа адабиётларда⁴ ҳам худи шундай таърифланган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоҳанг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир.

Самарқанд вилоятида ҳам хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки, бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирларни ва вазифаларни батафсил бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли қарори билан тасдиқланган «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу дастур кенг кўламли бўлиб, унда ҳар бир мутасаддига аниқ вазифалар белгилаб берилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ушбу дастурдан келиб чиқиб, ўзларининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадилар ва унинг бажарилиши мунтазам мониторинг қилиб борилади. Бундан ташқари ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси томонидан йиллик ҳисоботларда мазкур масала эшитилади ва барча ҳудудлар бўйича бажарилиши назорат қилиб борилади.

Ушбу қарорга мувофиқ қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал маиший техника таъмирлаш бўйича усталар ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойлардаги якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган корхоналар хизматларини

²Словар иностранных слов. -16- е из.,испр.-М.: Рус яз.. 1988 -461 Б.

³ Русча-ўзбекча луғат. 2-том. Т.: 1984. – 410 Б.


⁴Вудратов Ғ.Ғ., ПардаевМ.Ғ., Абдукаримов Б.А. “Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили”.Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 12 Б.

кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилиши белгилаб берилган.

Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари барқарор суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу борада вилоятда хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бугунги кунда вилоятда 22568 та турли хилдаги хизмат кўрсатиш ва сервис шаҳобчалари фаолият юритмоқда. Биргина 2013 йилда 760 та шаҳобчалар ташкил этилиб, 2200 га яқин янги иш жойлари яратилган. 2013 йилда вилоятда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 2493,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбаттан 17,1 фоизга ўсган. Қуйида 2010-2013 йилларда Самарқанд вилоятда жами хизматлар ҳажмининг ўсишини кўришимиз мумкин (1-расм)

1-расм.

Самарқанд вилоятида жами хизматлар ҳажмининг ўсиши (млрд.)



Қуйидаги жадвалда ишлаб чиқариш турлари бўйича хизмат курсатиш ва сервис хизматлар ҳолати келтирилган (6-жадвал).

**Самарқанд вилоятида 2010-2013 йиллар мобайнида хизмат
кўрсатиш соҳасидаги таркибий ўзгаришлар**

№	Кўрсаткичлар	2011	2012	2013 й.	2013 й. 2011 йилга нисбатан ўзгариши	
					±	%
1	Жами хизматлар	1956,1	2284,1	2493,1	537	127,4
	шу жумладан					
2	Савдова умумий овқатланиш хизматлари	290,6	509,6	624,8	334,2	2,2 м
3	Транспорт хизматлари	299,7	345,2	417,3	117,6	139,2
4	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	66,1	124,2	165,7	99,6	2,5 м
5	Молиявий хизматлар	96,2	136,2	164,8	68,6	171,3
6	Туризм хизмати	13,1	11,9	13,3	0,2	101,5
7	Меҳмонхона хизматлари	7,0	9,2	11,1	4,1	158,6
8	Коммунал хизматлар	232,1	337,4	338,7	106,6	145,9
9	Маиший хизматлар	35,1	44,2	50,4	15,3	143,6

10	Автомобил ва бошқа маиший техник таъмирлаш	31,5	37,1	43,9	12,4	139,4
11	Бошқа хизматлар	356,7	401,5	454,1	97,4	127,3

Манба: Самарқанд вилоят Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари.

Юқоридаги жадвал маълумотларида кўриниб турибдики, вилоятда барча турдаги хизматлар ҳажми ўсиб борган. 2013 йилда жами хизматлар ҳажми 2493,1 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 27,4 фоизга ошган. Шунингдек, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳам тахлил қилинаётган йилларда мунтазам ошиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Хизмат кўрсатиш ҳажмида энг салмоқли улуш, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (27,4 фоиз), транспорт хизматлари (18,3 фоиз) ва бошқа хизматлар (19,9 фоиз)га тўғри келмоқда. Ушбу жадвал маълумотларидан туризм ва меҳмонхона хизматларининг улуши кам салмоқга эга эканлиги куриниб турибди. Бундай ҳолат туризм салоҳияти бўйича катта имкониятга эга бўлган Самарқанд вилояти учун хали ётарли эмас, албатта. Ушбу хизмат туридан олинадиган даромадларни ошириш учун туристик объектлар жозибadorлигини ва меҳмонхона хизматларини кенгайтириш ишларини жонлантириш лозим булади.

Республикамизда 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари белгилаб қўйилган эди. Булардан келиб чиқиб, ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»га асосланиб мамлакатимизда хусусан вилоятларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг

асосий концептуал йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлади⁵:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қуллай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш вазифаси қўйилган;

хизматлар ва сервис соҳасида, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, 2013-йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади;

- хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича иқтисодий жihatдан ривожланган мамлакатлар даражасига чиқиш;
- энг муҳими, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражадаги ижобий таъсирини ошириб бориш;
- хизматлар ҳажмини юқори сураётларда ўсишини таъминлаш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2016 йилда 54-56 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини таёрлаш ва машина трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

⁵Ушбу йўналишлар бевосита Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги (2006 йил 17 апрел) қарорда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016-йилларга мўлжалланган дастур»да келтирилган.

- мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унитилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш;

- хизматларнинг янги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш;

- хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Хулоса ва таклифлар

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жамиятнинг ривожланишида кенг қўлланиб келаётган соҳа ҳисобланади, бозор иқтисодиёти шароитида демократик давлат қуриш билан инфраструктурани ривожланишининг мақсад ва вазифалари намоён бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг мухим уствор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида "Барчамишга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг мухим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳани ялпи ички маҳсулотни шакиллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатамоқда"1- деб такидлаб ўтганларидек, Миллий хўжалик ва жаҳон иқтисодиётида юритимиз ва чет эл мутахассисларининг баҳолашлари бўйича хизмат кўрсатиш ва сервиснинг келажакда жадал суръатларда ўсишининг кузатилиши магистрлик диссертацияси мавзусининг илмий тадқиқот ишларини давом эттириш ҳамда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурати **мавзунинг долзарблигини** аниқлаб берди .

Хизмат дейилганда, инсоннинг, хужалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини кондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.

“Хизмат кўрсатиш” тушунчасининг мазмуни бўйича ҳам ҳали кўпгина назарий масалалар ўз ечимини кутмоқда. Буни инобатга олиб, тадқиқотлар натижасида унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Хизмат кўрсатиш дейилганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг,

давлатнинг ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан наф келтирадиган онгли фаолиятининг хизматларни кўрсатишга йўналтирилган қисми тушунилади

Бу йўналишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари, фармон ва қарорларида белгилаб берилган. Буларга биринчи навбатда ушбу соҳа билан боғлиқ фармон ва қарорларни инобатга олишимиз лозим:

1, 2006 йил 17 апрел куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини [5].

2, 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [6].

3, 2012 йил 10 майда имзоланган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ - 1754-сонли қарори [7] кабиларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорлари ва нутқлари асосида хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантириш мумкин.

Тарихан банк фаолияти товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бевостиа боғлиқ холда ривожланиб, миллий иқтисодиётда пул ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаб, яратилган капитални қайта тақсимлаш жараёнида воситачи сифатида қатнашиб, жамият миқёсида умумий самарадорликни оширишга хизмат қилиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз Президенти И.Каримов 1991 йил сентябр ойида чиқарган Фармон билан ташкил этилган.

Банк олдида мамлакатимиз компанияларининг ташқи савдо операциялари бўйича халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсата оладиган, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни жалб этишга қодир бўлган молия муассасаси яратиш вазифаси қўйилган. Моҳиятан, бугунги кунда Ўзмиллийбанк мамлакатимиз банк тизимининг халқаро молия бозорларидаги “ташрифнома”си бўлиб қолди. Консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, банкни бошқаришнинг самарали механизмларини, ўсиш стратегиясини ишлаб чиқди. Бу ҳолат унга дадил ва жўшқин ривожланиб, профессионал молия муассасаси, ўз мижозларининг ишончли шериги сифатида мустаҳкам обрўга эга бўлиш имконини берди.

Ҳозирги вақтда Миллий банк олдида қуйидаги асосий вазифалар турибди:

- * мавжуд ва потенциал мижозлар мақсад гуруҳларининг эҳтиёжлари ҳамда талабларига жавоб берувчи фаол маркетинг сиёсатини шакллантириш;
- * корпоратив мижозлар билан ишларни кучайтириш. Мумкин қадар кўпроқ биринчи даражали мижозларни банкка жалб этиш ва узоқ муддатли асосда бириктириб олиш;
- * мижозлар билан ишлашнинг андозавий технологияларни ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув билан уйғунлаштиришга асосланган янги идеологиясини жорий этиш;
- * мамлакат чакана бозоридаги пешқадамликни сақлаб қолиш;
- * инвестиция дастурини, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлатга максимал даражада ёрдам берилишини, республикамиз экспорти қўллаб-қувватланишини таъминлаш;
- * мижозлар кенг доирасига таяниб, активлар ва пассивлар структурасининг

мувозанатли ҳолатини таъминлаш, уларни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий этиш;

* ресурс базасини диверсификациялаш, жумладан бунда ташқи молиялашдан фойдаланиш;

* банкнинг хорижий инвесторлар олдидаги катта обрўсидан, халқаро андозалар бўйича банк ишончилигининг юқори кўрсаткичларидан фойдаланиб, халқаро бозорларда банк учун мақбул нархларда сармоя жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш;

* даромадлилик, ликвидликни ошириш, валюта ва бозорга оид хатарларни камайтириш мақсадида инвестиция портфели тузилишини мақбуллаштириш;

* банкни бошқаришнинг мослашувчан тузилишини барпо этиш. Бунда бошқарувнинг иқтисодий воситаларига ҳамда ваколатларни тақсимлашнинг мақбул тизимига асосланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциям. Т. «Ўзбекистон», 2002.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Мулкчилик тўғрисида». Т. «Адолат». 1991-
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусу сийлаштириш тўғрисида».
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Тадбиркорлик тўғрисида». 15.02.1991. Т. 1991.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Ижара тўғрисида». 19.11.1991. Т. 1991.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядор- ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида». 25.04.1996. Т. 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси гўғрисида». 20.01.1998. Т.1998.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». 30.04.1998. Т. 1998.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Мехнат кодекси". Т. 1998.
10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» (янги таҳрири). 26.08.2004. Т. 2004.
- П.Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Деҳқон хўжалиги тўғрисида». 30.04.1998. Т.1998.
12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Қишлоқ хўжалиги Кооперативи (шир кат хўжалиги) тўғрисида». 30.04.1998. Т.1998.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чоратад бирлар тўғрисида». 02.01.1992.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тадбирлари ҳақида». 09.01.1993.
15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1998-2000 йилларга мўлжалланган «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастури». Т. 1998.
16. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Мулкий пай асосида қишлоқ хўжалиги кооперативи (шаркат хўжалиги) тузиш бўйича услубий тавсиялар». Т. «Ўқитувчи». 1998.
17. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. «Шарк» нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти. 1 -2 ки тоб. Т. 1998.
18. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари". 1- китоб. 1999.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Қишлоқ хўжалиги ис- лоҳотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». «Халк сўзи». 24.03.2003.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «2004-2006 йилларда фер мер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида». «Халк сўзи». 27.10.2003.

21. Каримов И.А. «Ўзбекистон келажакдаги буюк давлат». Т. «Узбекистон». 1992.
22. Каримов И.А. «Узбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари». Т. «Узбекистон». 1993.
23. Каримов И.А. «Узбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т. «Узбекистон». 1993.
24. Каримов И.А. «Дехкончилик таракқиёти - фаровонлик манбаи». Т. «Узбекистон». 1994.
25. Каримов И.А. «Узбекистон XXI асрга интиломда». Т. «Узбекистон». 1994.
26. Каримов И.А. «Узбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т. «Узбекистон». 1995.
27. Каримов И.А. «Узбекистон миллий истиқпол, иқтисод. сиёсат, мафкура». Т. «Узбекистон». 1996.
28. Каримов И.А. «Қишлоқ хўжалиги таракқиёти - тўкин хаёт манбаи». Т. «Узбекистон», 1998.
29. Каримов И.А. «Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз». Т. «Узбекистон». 1999.
30. Абдуллаев Ё. «Бозор иқтисодиёти асослари». Т. «Меҳнат». 1996.
31. Словарь иностранных слов. – 16-е из., испр. – М.: Рус. яз., 1988.-461 бет.
32. Русча-ўзбекча луғат. II-том. Т.: ЎСЭ Бош редакцияси. 1984.- 410 бет.
33. Арупов А.А. Казахстан в системе мировых торговых рынков. Алматы: Университет «Туран», 2000. с. 63.
34. Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265,
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда имзоланган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат

кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори.

36.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори.

37.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда имзоланган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ - 1754-сонли қарори.

Иловалар:

Ўзбекистон Республикасидаги қўшма ширкатларнинг 2013 йилда кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот

№	Банк филиали номи	Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар			Микрокредитлар			Аёл тадбиркорларга берилган кредитлар			ПК-1047 буйича берилган кредитлар			ПК-1050 буйича берилган кредитлар		
		Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи
1	Амалиёт бошқармаси	67 326,2	68 932,7	1 606,5	1 555,9	1 717,9	162,0	1 000,2	1 807,5	807,3	20 724,9	25 294,0	4 569,1	13 891,9	17 441,4	3 549,5
2	Каттақурғон филиали	8 094,7	8 119,2	24,5	1 345,3	1 442,5	97,2	1 080,9	1 081,9	1,0	622,2	758,0	135,8	713,8	883,9	170,1
3	Ургут филиали	4 597,3	4 604,5	7,2	997,5	1 067,0	69,5	221,9	223,6	1,7	352,3	576,0	223,7	393,3	488,0	94,7
4	Булунгур филиали	3 856,7	3 876,4	19,7	1 322,0	1 387,2	65,2	247,6	248,7	1,1	742,3	908,4	166,1	73,6	145,0	71,4
5	Жомбой филиали	5 003,6	5 022,9	19,4	972,7	1 069,5	96,9	187,6	190,0	2,4	190,0	257,0	67,0	525,7	980,0	454,3
6	Нуробод филиали	2 764,7	3 023,1	258,5	1 955,7	2 032,1	76,4	359,6	365,6	6,0	352,3	433,8	81,5	233,4	293,0	59,6
7	Пастдаргом филиали	8 298,7	8 359,3	60,7	1 417,6	1 575,5	157,8	449,2	457,5	8,3	2 017,1	2 680,0	662,9	168,2	210,0	41,8
	ЖАМИ	99 941,8	101 938,1	1 996,3	9 566,8	10 291,7	725,0	3 546,9	4 374,8	827,8	25 001,0	30 907,2	5 906,2	16 000,0	20 441,3	4 441,3
		102,0%			107,6%			123,3%			123,6%			127,8%		

№	Банк филиали номи	Хизмат курсатишга (сервис) берилган кредитлар			ПК-842 буйича қорвачиликка берилган кредитлар			Қасб-ҳунар коллеж битирувчиларига берилган кредитлар			Онлайв тадбиркорлик			2344-тартиб буйича микрокредитлар		
		Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи
1	Амалиёт бошқармаси	5 514,2	5 556,9	42,6	592,5	594,3	1,8	316,0	212,4	-103,6	327,2	740,3	413,1	150,0	150,7	0,7
2	Каттақурғон филиали	2 359,1	2 691,0	331,9	281,5	282,3	0,8	152,0	119,0	-33,0	116,0	282,3	166,3	140,0	195,9	55,9
3	Ургут филиали	1 180,7	1 288,3	107,6	322,2	322,9	0,7	148,0	356,9	208,9	132,7	322,9	190,2	50,0	56,9	6,9
4	Булунгур филиали	155,6	432,8	277,2	282,5	298,8	16,2	148,0	467,3	319,3	116,4	298,8	182,3	250,0	273,6	23,6
5	Жомбой филиали	489,5	777,0	287,5	263,5	271,8	8,3	148,0	102,0	-46,0	108,6	271,8	163,2	50,0	63,2	13,2
6	Нуробод филиали	501,7	546,3	44,6	249,0	250,3	1,3	148,0	247,3	99,3	102,6	250,3	147,7	50,0	67,5	17,5
7	Пастдаргом филиали	1 154,0	1 279,9	125,9	367,7	420,9	53,2	152,0	237,6	85,6	151,5	420,9	269,4	110,0	111,2	1,2
	ЖАМИ	11 354,7	12 572,2	1 217,4	2 358,9	2 441,2	82,4	1 212,0	1 742,5	530,5	1 055,0	2 587,2	1 532,2	800,0	919,0	119,0
		110,7%			103,5%			143,8%			245,2%			114,9%		

№	Банк филиали номи	Бошланғич сармоани шакллантиришга ажратилган кредитлар			Ёш оилага ажратилган кредитлар									ФЛК		
					Ипотека кредити			Истеъмол кредити			Микрокредит					
		Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи	Прогноз (01.01.14)	Ҳақиқатда (01.01.14)	Фарқи
1	Амалиёт бошқармаси	220,0	321,0	101,0	1 922,0	1 427,5	-494,5	177,1	178,0	0,9	109,0	110,0	1,0	100,0	100,0	0,0
2	Каттақурғон филиали	130,0	170,0	40,0	50,0	115,0	65,0	94,0	94,3	0,3	69,0	70,0	1,0	600,0	246,0	-354,0
3	Ургут филиали	130,0	132,0	2,0	50,0	50,0	0,0	94,0	94,5	0,5	66,0	67,0	1,0			0,0
4	Булунгур филиали	130,0	162,0	32,0	50,0	50,0	0,0	94,0	96,9	2,9	71,0	71,0	0,0	400,0	246,0	-154,1
5	Жомбой филиали	130,0	131,6	1,6	50,0	400,0	350,0	94,0	94,4	0,4	66,0	69,0	3,0			0,0
6	Нуробод филиали	130,0	412,8	282,8	50,0	50,0	0,0	94,0	94,1	0,1	70,0	72,0	2,0		120,0	120,0
7	Пастдаргом филиали	130,0	200,0	70,0	50,0	132,5	82,5	94,0	94,5	0,5	66,0	66,0	0,0			0,0
	ЖАМИ	1 000,0	1 529,4	529,4	2 222,0	2 225,0	3,0	741	746,7	5,6	517,0	525,0	8,0	1 000,0	712,0	-288,1
		152,9%			100,1%			100,8%			101,5%			71,2%		

Ўзмиллиббанк Самарқанд бўлими томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар тўғрисида 2015 йил 1 январ ҳолатига

млн.сум

Т/р	Худудлар (филиал) номи	Йил бошидан ҳисобот санасига қадар ажратилган кредитлар		Ажратилган имтиёзли кредитлар*		Қишлоқ жойларда ажратилган кредитлар		Манбалар буйича		Муддатлар буйича		Тижорат банки томонидан қабул қилинган таъминот шакллари буйича			Тармоқлар буйича						Жами ажратилган кредитлар буйича қарадорлик қолдиғи	Жами йил бошидан ажратилган кредитлар ҳисобига яратилган иш уринлари сони		
		соли	суммаси	соли	суммаси	соли	суммаси	уз маблағи ҳисобидан	хорижий кредит линиялари ҳисобидан (сум эквивалентида)**	қисқа муддатли кредитлар	узқ муддатли кредитлар	Мол-мулк гарови таъминоти асосида берилган кредитлар суммаси	Сугурталаш полиси буйича берилган кредитлар суммаси	Учинчи шахс кафиллиги асосида берилган кредитлар суммаси	Бошқа таъминот турлари буйича берилган кредитлар суммаси	Саноат	Қишлоқ ҳўжалиғи	савдо ва умумий оқватланиш	Қурилиш (бино ва иншоотлар қуриш ва сотиб олиш)	Маиший хизмат курсатиш ва сервис			Транспорт ва алоқа	Бошқа тармоқлар
1	Самарқанд АБ	281	86 265,3	125	12 087	125	9 136,3	53 043,9	33 221,4	27 445,0	58 820,4	85 267,9		997,4		40 919,9	17 434,1	16 300,4	4 069,3		95,9	7 445,7	182 379,2	1 585
2	Каттақурғон филиали	283	10 477,4	67	1 996	67	1 572,1	10 477,4		3 612,3	6 865,1	9 931,8		545,6		1 061,4	1 846,7	5 552,3	229,5		109,5	1 678,0	13 047,2	102
3	Ургут филиали	193	5 895,7	77	608	77	1 751,5	5 527,7	368,0	1 361,7	4 533,9	5 295,2		600,5		1 828,7	1 676,5	1 265,4				1 125,1	9 741,9	81
4	Булунгур филиали	289	4 937,0	70	2 806	70	1 733,7	4 937,0		969,4	3 967,6	4 388,3		548,7		1 323,7	2 376,6	321,0	40,5			875,3	10 127,4	154
5	Жомбой филиали	186	7 100,5	67	1 690	67	1 437,2	3 309,9	3 790,6	492,5	6 608,0	6 578,0		522,5		3 359,1	1 775,5	1 098,3			6,5	861,1	7 335,6	188
6	Нуробод филиали	296	3 572,9	63	813	63	799,4	3 572,9		1 685,9	1 887,0	3 069,5		503,4		20,0	1 141,6	1 772,8				638,5	8 857,4	274
7	Пастдарғом филиали	222	10 550,6	84	1 537	84	1 001,8	7 326,5	3 224,1	2 610,1	7 940,5	9 889,8		660,8		1 085,0	2 953,3	4 062,4				2 449,9	17 896,0	50
8	Регистон филиали	5	1 900,0					1 900,0		600,0	1 300,0	1 900,0				1 600,0	300,0					1 900,0	23	
	Жами:	1 755	130 699	553	21 537	553	17 432	90 095	40 604	38 777	91 922	126 320	0	4 379	0	51 198	29 504	30 373	4 339	0	212	15 073	251 285	2 457

Ўзмиллибанк Самарқанд бўлими томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар тўғрисида 2015 йил 1 январ ҳолатига

млн.сўм

Т/р	Худудлар (филиал) номи	Йил бошидан ҳисобот санасига қадар ажратилган кредитлар		Ажратилган имтиёзли кредитлар*		Қишлоқ жойларда ажратилган		Манбалар буйича		Муддатлар буйича		Шу жумладан				Тармоқлар буйича					Жами ажратилган кредитлар буйича қарздорлик қолдиги	Жами йил бошидан ажратилган кредитлар ҳисобига яратилган иш уринлари сони		
		соли	суммаси	соли	суммаси	соли	суммаси	қисқа муддатли кредитлар	узоқ муддатли кредитлар	Тижорат банки томонидан қабул қилинган таъминот шакллари буйича				Тармоқлар буйича										
										Мол-мулк гарови таъминоти асосида берилган кредитлар суммаси	Сугурта лаш полиси буйича берилган кредитлар суммаси	Учинчи шахс кафиллиги асосида берилган кредитлар суммаси	Бошқа таъминот турлари буйича берилган кредитлар суммаси	Саноат	Қишлоқ хужалиги	савдо ва умумий овқатланиш	Қурилиш (бино ва иншоотлар қуриш ва сотиб олиш)	Май ший хизмат курсатиш	Транспорт ва алоқа	Бошқа тармоқлар				
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	9	10	11	12	13	14	17	18	19	20	21	22	23	24	25	27
1	Самарқанд АБ	281	86,265.3	125	12,087	125	9,136.3	53,043.9	33,221.4	27,445.0	58,820.4	85,267.9		997.4		40,919.9	17,434.1	16,300.4	4,069.3		95.9	7,445.7	182,379.2	1,585
2	Каттақўрғон филиали	283	10,477.4	67	1,996	67	1,572.1	10,477.4		3,612.3	6,865.1	9,931.8		545.6		1,061.4	1,846.7	5,552.3	229.5		109.5	1,678.0	13,047.2	102
3	Ургут филиали	193	5,895.7	77	608	77	1,751.5	5,527.7	368.0	1,361.7	4,533.9	5,295.2		600.5		1,828.7	1,676.5	1,265.4				1,125.1	9,741.9	81
4	Булунгур филиали	289	4,937.0	70	2,806	70	1,733.7	4,937.0		969.4	3,967.6	4,388.3		548.7		1,323.7	2,376.6	321.0	40.5			875.3	10,127.4	154
5	Жомбой филиали	186	7,100.5	67	1,690	67	1,437.2	3,309.9	3,790.6	492.5	6,608.0	6,578.0		522.5		3,359.1	1,775.5	1,098.3			6.5	861.1	7,335.6	188
6	Нуробод филиали	296	3,572.9	63	813	63	799.4	3,572.9		1,685.9	1,887.0	3,069.5		503.4		20.0	1,141.6	1,772.8				638.5	8,857.4	274
7	Пастдарғом филиали	222	10,550.6	84	1,537	84	1,001.8	7,326.5	3,224.1	2,610.1	7,940.5	9,889.8		660.8		1,085.0	2,953.3	4,062.4				2,449.9	17,896.0	50
8	Регистон филиали	5	1,900.0					1,900.0		600.0	1,300.0	1,900.0				1,600.0	300.0						1,900.0	23
	Жами:	1,755	130,699	553	21,537	553	17,432	90,095	40,604	38,777	91,922	126,320	0	4,379	0	51,198	29,504	30,373	4,339	0	212	15,073	251,285	2,457